

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУМОВ ДИЛШОДБЕК ДЖУМАБАЕВИЧ

**АДВОКАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА
ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Нурумов Дилшодбек Джумабаевич

Адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам
кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари..... 3

Nurumov Dilshodbek Djumabayevich

Organizational and legal issues of providing legal assistance to business
entities by a lawyer..... 23

Нурумов Дилшодбек Джумабаевич

Организационно-правовые вопросы оказания адвокатом юридической
помощи субъектам предпринимательства 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУМОВ ДИЛШОДБЕК ДЖУМАБАЕВИЧ

**АДВОКАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА
ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.4.PhD/Ү435 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулаганова Гулчехра Захитовна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Отажонов Аброржон Анварович
юридик фанлар доктори, профессор

Хайриев Нодиржон Исроилович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Ү4.22.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 30 август соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (970-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» августда тарқатилди.

(2021 йил «16» августдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Тухташева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

Д.Г.Камалова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда адвокатлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятини яхшилаш тобора долзарб аҳамият касб этиб, юридик ёрдам кўрсатиш шиддат билан тараққий этиб бормоқда. «The American Lawyer» журнали рейтингига кўра, 2000 нафар адвокати ва юристлари бўлган АҚШнинг энг йирик юридик компанияларидан бўлган Kirkland & Ellis LLP 2019 йилда \$ 4.15 млрд.дан ортиқ даромад олган. Машҳур Boeing, Delta Airlines, Nike, Verizon компаниялари уларнинг мижозлари ҳисобланади¹ ва биргина мазкур рақамларнинг ўзи тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишда адвокатларга бўлган талаб юқориликдан далолат беради. Адвокатларнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида малакали юридик ёрдам кўрсатишдаги ўрни ва аҳамияти БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш тўғрисидаги Саккизинчи конгрессида қабул қилинган «Юристар ролига оид асосий принциплар» ва «Адвокатларнинг роли ҳақидаги асосий қоидалар»²да ҳам эътироф этилган.

Жаҳонда адвокатлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, ушбу фаолиятга замонавий онлайн шаклдаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни киритиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал қилишда адвокатларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, адвокатларнинг низоларни ҳал этишда медиатор сифатида фаолият юритиш механизмларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишда адвокатларга мустақил равишда эксперт, мутахассисларни жалб этиш, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини белгилаш ва мазкур соҳада тадқиқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда адвокатлар томонидан тадбиркорлик субъектларига малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш юзасидан қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо адвокатлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини кенгайтириш ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари жорий этиш зарурати мавжудлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари жорий этиш» ҳамда «тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик

¹ <https://www.investopedia.com/articles/personal-finance/010715/worlds-top-10-law-firms.asp>.

² <https://www.un.org/ru/sections/general/documents/index.html>

маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш»¹ вазифаси қўйилганлиги ушбу соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2016), «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) Фармонлари ҳамда «Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019), «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) қарорлари ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари Ғ.Абдумажидов, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, А.Алламуратов, И.Р.Астанов, Д.Б.Базарова, В.Х.Давлятов, М.М.Мамасиддиқов, Ф.Х.Отахонов, О.Оқюлов, С.М.Рахманова, М.Х.Рустамбаев, Б.Саломов, Г.З.Тулаганова, У.А.Тухташева, Д.Ю.Хабибуллаев, Л.Б.Хван ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган.

Жумладан, М.Х.Рустамбоев, У.А.Тухташева томонидан адвокатлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва асосий йўналишлари, Г.З.Тулаганова, Д.Б.Базаровалар жиноят процессида адвокат иштироки, Ф.Х.Отахонов адвокатура ва юридик хизматнинг айрим жиҳатлари, Д.Ю.Хабибуллаев адвокатнинг фуқаролик процессидаги иштирокини ёритган. Ўзбекистонда докторлик илмий тадқиқоти даражасида адвокатура институти ва адвокатлик фаолияти соҳасида илмий изланишлар Б.Саломов ва В.Х.Давлятовлар томонидан амалга оширилган. Хусусан, Б.Саломов «Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолари)», В.Х.Давлятов «Адвокатура институтини такомиллаштиришда адвокатлик тузилмалари ва ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақоми масалалари» мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

МДХга аъзо мамлакатлар олимларидан Г.М.Резник адвокатуранинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги роли, А.Бойков адвокатлик фаолияти кафолатлари ва ихтисослашуви масалалари, В.Панченко адвокат томонидан юридик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатлари, А.Гриненко адвокатура фаолиятининг ташкилий масалалари ва адвокат мақоми, А.Власов адвокатура институтининг тарихий асослари, Э.Любовенко ва В.Волковлар малакали юридик ёрдам олишнинг конституциявий кафолатлари, С.Гаврилов ва бошқалар адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг айрим процессуал жиҳатларини тадқиқ этган.

Хорижий олимлардан Robert A.Blackburn адвокатура фаолиятини самарали ташкил этишнинг айрим масалалари, Mark A.Cohen замонавий шароитларда юридик хизмат кўрсатиш тизимидаги ўзига хос хусусиятлари, Bernard Marr адвокатура ва юридик хизмат кўрсатиш соҳасида янги технологияларнинг ўрни ва аҳамияти, John Armour, Kenneth C. Frazier ва бошқа олимлар эса жаҳондаги йирик бизнес субъектларига замонавий юридик хизмат кўрсатиш тенденциялари ҳамда йўналишларини ёритган¹.

Бироқ мамлакатимизда адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига оид алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида адвокатура институтини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини комплекс таҳлил қилиш, соҳага оид назарияни ривожлантириш ва амалиётни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- адвокатнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг назарий масалаларини таҳлил қилиш;
- тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг адвокатлик фаолияти турларидан бири сифатида аҳамиятини очиб бериш;
- адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиш;
- адвокатлик тузилмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ўрганиш;
- юридик маслаҳатчилар ташкилотлари томонидан тадбиркорлик

¹Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;

– адвокатнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

– айрим хорижий ва МДХга аъзо мамлакатларда адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиётидаги тажрибалар, адвокатлик фаолиятини ташкил этишга доир халқаро стандартлар, шунингдек, ўрганилаётган мавзуга оид илмий-назарий қарашлар, концептуал ёндашувлар ва ғоялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мантиқий, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектларини тафтиш қилиш юридик хизмат вакиллари ва (ёки) жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (тадбиркорлик субъекти мазкур ҳуқуқдан воз кечган ҳоллар бундан мустасно) ўтказилиши лозимлиги асосланган;

юридик хизмат вакиллариининг ва (ёки) жалб этилган адвокатларнинг тафтишнинг исталган босқичида иштирок этишга бўлган ҳуқуқи тўғрисида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар ҳақида текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсини ёки вакилини хабардор қилиш шартлиги исботланган;

текширув бошланишидан олдин текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширувда юридик хизмат вакиллариини ва (ёки) адвокатни жалб этиш ва иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда, баённома асосида тушунтирилиши шартлиги асосланган;

тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакили томонидан текширувда иштирок этиш учун юридик хизмат вакиллариини ва (ёки) адвокатни жалб этиш ва уларнинг иштирокини рад этганлик тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларида жалб этиш учун монелик қилмаслиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига оид илмий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган ва муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунига чет эллик адвокатнинг иштирокига оид янги 3²-моддани киритиш, 5-моддасини адвокатнинг ишонч билдирувчининг манфаатларини хорижий давлатларнинг давлат ва бошқа органларида, халқаро судда вакил сифатида иштирок этишига оид нормалар билан тўлдириш асосланган;

тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида айрим давлатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Малакали юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши зарурати мавжудлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасида юридик экспертиза ўтказиш ҳуқуқига эга субъектлар таркибига тижорат асосида фаолият юритадиган юридик маслаҳат берувчи (консалтинг) ташкилотларининг ҳуқуқшуносларини киритиш таклифи асослантирилган;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан жиноят иши кўзғатилганида уларнинг фаолиятини текшириш жараёнида адвокат иштироки шартлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида белгилаш кераклиги исботланган;

3240100 – Юриспруденция таълим йўналишида таҳсил оладиган юридик техникумлар талабалари (ўқувчилари) учун «Адвокатура» дарслиги тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғига асосан нашрга тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тадбиркорлик ҳуқуқи, иқтисодий-процессуал ҳуқуқи ва адвокатура фанларидаги илмий доктриналарга, миллий ва хорижий мамлакатлар қонун нормаларига ҳамда қонунни қўллаш амалиётига асосланиши, шунингдек, тадқиқот ишидаги ахборот базасининг ишончлилиги расмий нашрларда эълон қилинган, адвокатлар фаолиятига оид 2017-2020 йилги статистик маълумотлар, илмий тадқиқотлар ва бошқа манбалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот ишида 2021 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасида стажировка ўташ давомида 100 тадан ортиқ адвокатлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари ва амалиёт материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар «Адвокатура» ҳамда «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанлари назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган хулосалардан келажакда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, олий таълим муассасалари, юридик техникумларда «Адвокатура»

модули бўйича дарс ўтишда, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот иши тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида адвокатларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганида ифодаланади. Тадқиқот натижаларидан адвокатура ва юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, мазкур йўналишдаги Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳужжатларини тайёрлаш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига бағишланган тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадбиркорлик субъектларини тафтиш қилиш юридик хизмат вакиллари ва (ёки) жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (тадбиркорлик субъекти мазкур ҳуқуқдан воз кечган ҳоллар бундан мустасно) ўтказилишига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187⁴-моддаси биринчи қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06/1-05/3699-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тафтиш ўтказиш жараёнида адвокатлар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимояланишига хизмат қилган;

юридик хизмат вакиллариининг ва (ёки) жалб этилган адвокатларнинг тафтишнинг исталган босқичида иштирок этишга бўлган ҳуқуқи тўғрисида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар ҳақида текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсини ёки вакилини хабардор қилиши шартлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187¹¹-моддаси 3-қисми 5-бандида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06/1-05/3699-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари, уларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тафтиш қилинаётганида адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланишига хизмат қилган;

текширув бошланишидан олдин текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширувда иштирок этиш учун юридик хизмат вакиллариини ва (ёки) адвокатни жалб этиш ёки уларнинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилиб, бу ҳақда баённома тузилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

тўғрисида»ги Қонунининг 39-моддаси ўн учинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06/1-05/3699-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини текширишдан аввал мансабдор шахсга адвокатни жалб этиш ёки унинг иштирокини рад этиш юзасидан тушунтириш бериш мажбуриятининг юкланишига хизмат қилган;

тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакили томонидан текширувда иштирок этиш учун юридик хизмат вакилларини ва (ёки) адвокатни жалб этишни ва уларнинг иштирокини рад этганлик тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларида жалб этиш учун монелик қилмаслиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 39-моддаси ўн учинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06/1-05/3699-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектининг текширувнинг ҳар қандай босқичида адвокатни жалб этиш ҳуқуқи таъминланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан 1 та монография, илмий журналларда 7 та (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етита параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Адвокатнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида адвокатнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш

фаолиятининг ҳуқуқий ва назарий масалалари, адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Диссертацияда юридик ёрдам ва юридик хизмат тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб берилган ҳамда уларнинг ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида (М.Х.Рустамбаев, У.А.Тухташева, Б.Саломов, Ф.Х.Отахонов, М.М.Мамасиддиқов, В.Х.Давлятов, В.Буробин, В.Волков, Джон Адамс, Г.М.Резник, А.Поляков)ларнинг адвокатлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид қарашлари ва назарий ёндашувлари таҳлил этилган. Уларнинг юридик хизмат кўрсатиш фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланиши, юридик ёрдам эса фуқаролик ҳуқуқидан ташқари, жиноят процессуал ҳуқуқи, бошқа ҳуқуқ соҳалари объекти бўлиши мумкинлиги, шунингдек, юридик хизмат кўрсатишнинг кўпроқ тижорат характерига эга эканлиги, юридик ёрдам эса оммавий тусга эга бўлиб, яъни давлат томонидан бепул амалга оширилиши ҳам мумкинлиги ҳақидаги фикрларни таҳлил қилиб, диссертант, ҳар икки таъриф аслини олганда юридик хизмат тушунчаси иккиёқлама табиатга эгаллиги туфайли пайдо бўлган, деган фикрни илгари суради. Бу фикрини асослаб, юридик хизмат – бу нафақат давлат органлари, нодавлат-нотижорат ҳамда бошқа ташкилотларнинг алоҳида ташкилий тузилмаси, балки улар томонидан доимий (меҳнат шартномаси асосида) амалга ошириладиган юридик хизмат кўрсатиш фаолиятидир, деган фикрни билдирган.

Мазкур бобда ижтимоий сўровлар ва статистик маълумотларни ўрганиш ва таққослаш орқали мамлакатимизда ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг аҳволи, уларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган ижтимоий эҳтиёжи даражаси ўрганилган. Шунингдек, илмий-назарий жиҳатдан юридик ёрдам кўрсатишга оид асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Жумладан, қонунни қўллаш жараёнида адвокат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган «ҳуқуқий масалалар», «ҳуқуқий ишлар», «ҳуқуқий ёрдам» («юридик ёрдам»), «ҳуқуқий хизмат кўрсатиш» («юридик хизмат кўрсатиш»), «ҳуқуқий хизмат қилиш» («юридик хизмат қилиш»), «ҳуқуқий маслаҳат» («юридик маслаҳат») каби атамаларга тўхталиб, муаллиф томонидан юридик хизмат билан адвокат ёки бошқа ташкилот томонидан юридик ёрдам (маслаҳат) беришнинг асосий жиҳати уларнинг меҳнат ёки фуқаролик шартномавий муносабатга асосланишидир, деган ғоя илгари сурилган.

Диссертантнинг фикрича, адвокатларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари: а) фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий асослардан келиб чиқади; б) мазкур фаолият аниқ топшириқ (алоҳида масала бўйича хизмат кўрсатиш) ёки комплекс хизмат кўрсатиш (тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўлиқ ҳуқуқий жиҳатдан юритиб бориш) шаклида бўлади; в) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тергов ва суд жараёнида фақат адвокат ҳимоя қилишида намоён бўлади.

Тадқиқ этилаётган мавзу доирасида тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятига аниқ илмий ва ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги сабабли, диссертант томонидан миллий ва хорижий олимларнинг фикрлари таҳлили асосида унга қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: «адвокатлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш – адвокатлик лицензиясига эга бўлган, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган адвокатлик тузилмаларидан бирида фаолият юритаётган адвокат (адвокатлар) томонидан муайян муддатга ёки муайян ишни амалга ошириш мақсадида тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномага мувофиқ ҳуқуқий масалалар бўйича ҳақ эвазига ёки бепул юридик ёрдам кўрсатиш».

Мазкур бобда адвокатларнинг ушбу амалиёти комплекс, тизимли тарзда ўрганилмаганлиги, юридик ёрдам кўрсатишга оид қонунчиликни қўллашда ташкилий-ҳуқуқий масалалар очиқ қолаётганлиги аниқ мисоллар ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси статистик маълумотларидан фойланилган ҳолда асослангайиб берилган.

Жумладан, амалиётда юридик ёрдамнинг турли тижорат ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилаётгани, адвокатлик фаолияти соҳасида юз бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, тадбиркорлик субъектлари харажатларни камайтириш ва асосий фаолиятни амалга оширишга йўналтиришнинг оқилона усулларидан бири сифатида юридик ёрдам кўрсатишда аутсорсинг шаклидан фойдаланиш зарурлиги исботланган.

Диссертациянинг «**Адвокат ва юридик маслаҳатчилар ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» номли иккинчи бобида адвокатлик тузилмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари таҳлил қилинган, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг айрим масалалари кўриб чиқилган.

Диссертант адвокатнинг тадбиркорлик субъектига юридик ёрдам кўрсатиш фаолияти хусусида сўз юритиб, бу борада бутун дунёда малакали юридик ёрдам нафақат адвокатлар, балки турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тузилмалар томонидан амалга оширилаётганлигини қайд этган ва ривожланган давлатлар (АҚШ, Англия, Франция)да юридик ёрдам (хизмат) кўрсатиш малакавий стандартлари белгиланиб, фаолияти лицензияланиши, тегишли талабгорларга аниқ талаблар қўйилганлиги (олий юридик маълумот, юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши, юридик амалиётга кириш ҳуқуқини олиш), фуқаровий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилганлигини кўрсатган.

Тадқиқотчи тадбиркорлик субъектларига адвокатлар томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатиш аҳволини таҳлил этиб, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг маълумотларига кўра, 2020 йилда адвокатлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорларга 3524 та ҳолатда оғзаки (ёзма) ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилган, шундан 798 таси ҳақ эвазига, 2726 тасида бепул юридик ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, шартнома (битимлар ва бошқа)лар юзасидан берилган хулосалар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари

664 та, шундан ҳақ эвазига 356 та, бепул 308 тани ташкил этади. Тижорат ташкилотларига 5794 та ҳолатда оғзаки (ёзма) ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилган, шундан 3507 таси ҳақ эвазига, 2285 тасида бепул юридик ёрдам кўрсатилган ҳамда шартномалар (битимлар ва бошқа) юзасидан берилган хулосалар, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари 10121 та (шундан ҳақ эвазига 9416 та, бепул 705 та)ни ташкил этиши, шу билан бирга ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларига юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари томонидан ҳам юридик маслаҳат хизмати кўрсатилади, бироқ ушбу ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган юридик маслаҳат хизматлари турлари, уларнинг сони ва сифати тўғрисидаги расмий маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, мазкур ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уларнинг маслаҳатчи ходимлари (юристар)га нисбатан аниқ малакавий талаблар қўйилмаганлиги ва уларнинг жавобгарлиги юзасидан миллий қонунчиликда аниқ механизм мавжуд эмаслигини таъкидлайди.

Ишда ҳозирги пандемия шароитларида адвокатлик тузилмалари томонидан юридик ёрдам кўрсатишнинг масофавий усулларини жорий этиш зарурлиги, жумладан, адвокатлик тузилмалари замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш орқали тадбиркорлик субъектларига онлайн режимда маслаҳатлар бериш, юридик ёрдам кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар доирасида маслаҳатларни имкон қадар видео конференцалоқа ва ZOOM дастури ёхуд бошқа шунга ўхшаш Интернет дастурлари орқали, тегишли юридик ҳужжатларни электрон имзолаш тартибига риоя этган ҳолда тасдиқлаш ва имзолаш тартибини жорий этиш лозимлиги асосланган.

Муаллиф мазкур бобда тадбиркорлик субъектларига малакали юридик ёрдам кўрсатишда «pro bono» (бепул юридик ёрдам) тизимини жорий этиш масаласини ҳам ўрганган. Хусусан, ушбу тизимга оид хорижий тажриба, Ўзбекистонда амалда тадбиркорлик субъектларига бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги мавжуд вазият, мазкур юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, мазкур тизимни жорий этишда бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга тадбиркорлик субъектлари тоифаларини (фаолиятни бошлаётган, банкротлик амалиётини ўтказаетган ва ҳ.к.) белгилашни таклиф қилган.

Тадқиқот ишида ҳозирда юридик хизмат кўрсатиш бозорида ҳуқуқий маслаҳат бериш билан шуғулланувчи юридик хизмат ташкилотлари (консалтинг) фаолияти адвокатлик тузилмаларига жиддий рақобатчи эканлигининг сабаби сифатида адвокатлик тузилмалари ташкилий жиҳатдан қонунчиликда белгиланган тўртта шаклда фаолият юритиб, нотижорат тузилма сифатида фаолият юритиши, консалтинг ташкилотлари эса, ўта мослашувчан, турли фаолиятни бир вақтнинг ўзида юритиши мумкин бўлган, тижорат асосида юридик маслаҳат бериш фаолияти билан шуғулланиши, рақобатбардош нархлар белгилаши билан изоҳланган.

Диссертант замонавий ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик муҳити шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда юридик консалтинг ташкилотларини тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган хизмат тури деб ҳисоблайди. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий

хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингни ривожлантириш лозимлиги алоҳида вазифа сифатида белгиланганлиги ҳам тадқиқотчи фикрининг ўринли эканлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотчининг фикрича, юридик консалтинг ташкилотлари корпоратив бирлигини таъминловчи ўзини ўзи бошқариш органининг мавжуд эмаслиги, уларнинг ягона касб этика қоидалари, юридик маслаҳатчилар малакасини ошириш тартиби, юридик хизмат кўрсатиш борасидаги зарур стандартлари ишлаб чиқилмаганлиги улар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат сифатига бевосита таъсир қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига асосланиб, адвокатлик тузилмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига малакали юридик ёрдам ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш борасидаги муаммоларнинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Малакали юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи илгари сурилиб, уни қабул қилишнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва объектив зарурияти мавжудлиги асослангилган.

Хусусан, ушбу қонуннинг қабул қилиниши юридик ёрдам кўрсатиш жараёнининг ташкилий ва ҳуқуқий механизмини, бепул малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини қатъий белгилаши, юридик ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотларга, алоҳида шахслар (мутахассислар)га маълум касбий ва бошқа малака талабларини қўйиши, кўрсатилаётган юридик ёрдам сифати устидан назоратни таъминлаш қоидаларини ўрнатиши ҳамда мазкур тузилмаларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш механизмини белгилаш орқали жамиятда малакали юридик ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли учун зарур механизмларнинг яратилиши исботланган.

Диссертациянинг «**Адвокатнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш истиқболлари**»га бағишланган учинчи бобда адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш, айрим хорижий ва МДХга аъзо мамлакатлардаги адвокат томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Тадқиқотда адвокатнинг тадбиркорлик субъектлари манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишининг ташкилий-ҳуқуқий механизми таҳлил қилиниб, такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар илгари сурилган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги 13-сонли «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш киритиш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиққан.

«Хусусан, ишда иштирок этувчи юридик шахснинг ходими бўлмаган, лекин иш учун муҳим ҳолатларни белгилашга ва низони тўғри ҳал этишга қўмаклашиши мумкин бўлган шахс вакил сифатида ишда иштирок этишига йўл қўйилиши мумкин. Бунда улар вакил сифатида судда касб тариқасида (ҳақ эвазига ёки ҳақ

олмай) фаолият олиб бориши мумкин эмас»лиги ҳақидаги таклиф судларда профессионал равишда малакали юридик ёрдамни кўрсатиш вазифаси фақат адвокатлар томонидан олиб борилишини таъминлашга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқотчи томонидан адвокатнинг жиноят иши юзасидан ҳимоя функцияларини янада самарали амалга ошириши учун статистик маълумотлар ҳамда адвокатлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар таҳлилидан фойдаланиб, Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддаси 1-қисмига 10-банд сифатида кўзғатилган жиноят ишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда ҳимоячи (адвокат) иштирок этиши шартлигига оид нормани киритиш, шунингдек Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддаси 1-қисмида адвокатга жиноят иши бўйича ишонч билдирувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тадбиркорлик субъектида тафтиш ва текшириш ўтказилаётганида мустақил равишда мутахассисни жалб қилиш, шунингдек жиноят иши доирасида экспертиза тайинлаш (масалан, суд-бухгалтерия, ҳужжатларнинг суд-техник экспертизаси ва бошқа) юзасидан қаноатлантирилиши шарт бўлган таклифлар киритиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган.

Иқтисодиёти ривожланган айрим хорижий давлатлар тажрибаси асосида адвокатларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш, Ўзбекистонда адвокатурани янада либераллаштириш, халқчиллиги ва тадбиркорлик фаолиятининг инвесторлар учун жозибadorлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунига «Чет эл адвокатининг иштироки» номли янги 3²-моддани киритиш, ушбу Қонуннинг 5-моддасини адвокатларга ишонч билдирувчининг манфаатларини хорижий давлатларда ва халқаро судда ҳимоя қилиш ҳуқуқини берувчи норма билан тўлдириш таклифи илгари сурилган.

Ишда Германия, АҚШ, Франция, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг тажрибаси, адвокатлар билан ўтказилган сўров натижаларига таяниб, Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасидаги адвокатнинг ўзининг касбга оид мулкый жавобгарлик хавфини суғурта қилиш ҳуқуқини унинг мажбурияти этиб белгилаб, алоҳида «Адвокатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги» номли 11¹-модда сифатида мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига ўзгартириш киритиш лозимлигини таъкидлаб, амалдаги қонун нормасига кўра, хўжалик шартномасининг тарафлари уни тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ходими ёки шартнома асосида жалб этилган адвокатнинг имзоларисиз тузишга ҳақли бўлмаса-да, тадбиркорлик субъектларига юридик маслаҳатчилар ташкилотлари томонидан ҳам кенг миқёсда юридик хизмат кўрсатилаётганлиги боис юридик маслаҳатчилар ташкилотларининг ходимларига тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий маслаҳат бериш билан бир қаторда, хўжалик шартномаларини имзолаш ваколатини ҳам бериш лозимлигини асослантиради, шу орқали тадбиркорлик субъектларида

хукукий ёрдамга бўлган эҳтиёж пайдо бўлганида шартномани хукукий экспертизадан ўтказиш учун адвокатга, бошқа юридик ишларда эса юридик маслаҳатчига мурожаат этишнинг зарурияти бўлмайди ва тадбиркорларга ягона субъект томонидан юридик ёрдам кўрсатиш хизмати таъминланади.

Диссертацияда чет эллик инвесторлар, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар билан Ўзбекистон Республикаси ва унинг резидентлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низоларни халқаро арбитраж судларида ҳал этиш жараёнида иштирок эта оладиган юқори малакали адвокатлар корпусини яратиш лозимлиги қайд этилиб, бундай низолар пайдо бўлганида Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини халқаро арбитраж судларида ҳимоя қила оладиган адвокатлар етарли эмаслиги сабабли ушбу жараёнда иштирок этиш учун хорижий мамлакатларнинг адвокатларига мурожаат қилинаётганлиги билан изоҳлайди.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун диссертацияда адвокатлик фаолиятининг соҳалар бўйича ихтисослашувини таъминлаш, инвестиция масалалари билан боғлиқ низоларни халқаро арбитражларда муҳокама қилиш тизимида фаолият юрита оладиган адвокатларнинг алоҳида Реестрини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг тегишли адвокатура ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, уларнинг тажрибасини ўрганиши учун ишини ташкил этиш бўйича ўзбекистонлик адвокатларнинг стажировка ўташини таъминлаши тавсия қилинган.

Мазкур бобда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишни адвокатлик фаолияти турларидан бири сифатида айрим хорижий давлатлардаги аҳволи, уларнинг қонунчилигидаги тегишли нормаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш зарурлиги асосланган.

Хусусан, муаллиф хорижий давлатлар қонунчилигида тадбиркорлик субъектларига юридик ва консалтинг хизмати кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятнинг таҳлили асосида унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эътиборини қаратади. Масалан, Германияда адвокатлар махсус шартнома асосида фуқароларга ҳамда тадбиркорлик субъектларига юрисконсулт вазифасини бажаради, лекин расмий шаклда (меҳнат шартномаси асосида) юрисконсулт бўлиб фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

